



22.07.2022 даги

«ORIGINAL BULDER» MCHJ ва Кушработ туман Тиббиёт бирлашмаси ўртасида 60300000.00 сўм умумий
суммага тузилган 1349-7-97-ТВ/2022 - сонли шартномага

ТУЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 054
Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860182167073101054001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4239000			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль	60 300 000,00			60 300 000,00
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	60 300 000,00			60 300 000,00

Жами 60300000.00 сўм

Олтмиш миллион уч юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан 18090000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***2021 июн ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой донмий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



(ИМЗО)

Шамсиев Улугбек Н.
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтер

(ИМЗО)

Маматов Нурбек А.
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(ИМЗО)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(ИМЗО)

« _____ » 20 _____ й.

« _____ » 20 _____ й.

Кушработ туман Тиббиёт бирлашмасига карашли Чинок МФЙ Чинок кишлок Тиббиёт контейнерини жорий тамирлаш
учун 21.07.2022 йил лот №120244.
**ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШГА ОИД
ШАРТНОМА**

2022 й. «22» 7

1349-7-97-ТВ/2022-сон

Кушработ.ш

ООО ORIGINAL BUILDER номидан директор Н.Маматкулов Устав асосида фаолият юрүтүвчи бундан буён "Бажарувчи" деб аталувчи бир томондан ва Кушработ туман Тиббиёт бирлашмаси номидан рахбар У.Н.Шамсиев Низоми асосида иш юрүтүвчи бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи иккинчи томондан куйдагилар хакида шартнома тузилди:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома буйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Кушработ туман Тиббиёт бирлашмасига карашли Чинок МФЙ Чинок кишлок Тиббиёт контейнерини жорий тамирлаш учун ишларини бажариш (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиб олиб қийматини пулларини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Шартноманинг суммаси	Шартномада курсатилган ишларнинг умумий қиймати
1	Кушработ туман Тиббиёт бирлашмасига карашли Чинок МФЙ Чинок кишлок Тиббиёт контейнерини жорий тамирлаш	60 300 000	60 300 000
	Жами:	60 300 000	60 300 000

1.3. Шартноманинг умумий суммаси 60 300 000 (Олтмиш миллион уч юз минг) сумни ташкил қилади

1.5. Ишни бошлани шартнома имзоланганда тугаши «__» _____ 2022 йил

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи" дан "Ишлар" "Буюртмачи" нинг ҳисобига Кушработ туман Тиббиёт бирлашмасига карашли Чинок МФЙ Чинок кишлок Тиббиёт контейнерини жорий тамирлаш харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;

- "Ишлар"нинг камчиликлари бенул баргараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1 "Ишлар"ни 2021 йилда бюджет маблағлари доирасида «Бажарувчи» билан шартномага тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси буйича бажарилган «Ишлар»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.2. «Ишлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх буйича, бажарилган ишлар буйича пулларни тўлаб бориш, ишни тулик бажарилгандан сунг қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бўлимидан рўйхатидан ўтказгандан сунг 20 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қопун ҳужжатларида белгиланган тартибда бажарилган ишлари буйича пулларни ва ишни тулик бажарилгандан сунг қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомасига мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Томонлар уртасида мазкур шартноманинг баҳоси **60 300 000 (Олтминг миллион уч юз минг) сўми** ташкил этади. Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан тулов миқдори 30% ни ташкил қилади, қолган 70% ни бажарилган «Ишлар» ҳисоб-фактураси олрақали туловлар асосида тулаб боради ва қабул қилиш – топшириш далолатномаси тузилгандан сўнг шартномани 2.2.3. бандига асосан газначилик бошқармаси рўйхатдан утказилгандан сўнг 20 кун мобойида тўлик тулайди.

3.3. Бажариладиган ишлар (хизматлар) учун пул кўчириш йўли билан нақт пулсиз тартибда ҳисоб –китоб қилинади.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир помда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа помдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак. Бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан қаида 1 кун олдин хабардор қилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқлавиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажминини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортимент, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлик бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлик бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўлашмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома **2022 йил «31» декабр**гача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлик тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

8.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан сунг қонуний кучга қиради.

9. Коррупцияга қарши шарт

10.1. -Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерида эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирилик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизлиларини содир этмайдилар.

-Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматлари бегараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти -ҳаракатлари/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

10.2. Томонда ушбу Шартноманинг 10.1.-бандидаги талабларни бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзга келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР



9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади ва Қўшработ туман Ҳазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга қиради. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»	«Бўйртмачи»
<p>«ORIGINAL BULDER» MCHJ Каттакўрғон тумани Мундидён МФЙ х/р: 20208000305388378001 ИНН: 308481346 ОКОНХ: МФО: 000111 Агробанк Пайшанча ф/л</p>	<p>Қўшработ туман Тиббийёт бириктимаси Манзили: Қўшработ т.Ғ.Ғулом кучаси 59-уй ш/хв: 100022860182167073101054001 СТИР 200750669 ОКОНХ 91511 Қўшработ туман бўйича Ҳазначилик бўлинмаси Ҳазна х/в 23402000300100001010 Тош Ш МБ ХККМ ББ МФО 00014 ОКОНХ 97160 Ҳазначилик бошқармаси СТИР и 206919238</p>
<p>Рахбар:  Н.Маматқулов</p>	<p>Рахбар :  У.Н.Шамсиев.</p>

Ҳужжатнинг:  (Ф.И.Ш) _____ 2022 й



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
QO‘SHRABOT TUMAN YURIDIK XIZMAT
KO‘RSATISH MARKAZI**

Qo‘shrabot tumani Qo‘ralos MFY Zahriddin Muhammad Bobur ko‘chsi

Davlat xizmatlari Markazi binosi

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

Hujjat raqami № XZ85578204

1. Loyihaning turi: Pudrat shartnomasi.
2. Loyixaning nomi: Qo‘shrabot tuman Tibbiyot birlashmasi va “ORIGINAL BULDER ” MCHJ o‘rtasida Pudrat shartnomasi.
3. Loyixa ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot. Qo‘shrabot tuman Tibbiyot birlashmasi. 21.07.2022
4. Loyiha haqida huquqiy xulosa. Tuzilgan shartnoma O‘zbekiston Respublikasi “Xo‘jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risidagi qonuni”, “Davlat xaridlari to‘g‘risida” gi qonun, O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi pudrat shartnomasiga oid qoidalari va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 14.09.2021-yildagi PF-6313-son farmoniga muvofiq tuzilgan.

Markaz bosh yuristkonsul’ti



I.Karimov

2022-yil 22-iyul.